



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG'OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog'ot shaharchasi, O'zbekiston ko'chasi, 18-uy

2021 -yil 12 - aprel

726 u -son

Bog'ot shaharchasi

Мархум Панаев Аллашкурнинг турар жой
биносига бўлган эгалик ҳукукини
белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Сохибкор” маҳалласида яшовчи фуқаро Панаев Умиджон Оллашкур ўғлининг мархум отаси Панаев Аллашкурнинг “Сохибкор” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳукукини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 2 мартдаги ШЯ-П-846-сонли аризасини, “Сохибкор” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 18 февралдаги 498-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Сохибкор” маҳалласида жойланган 5 (беш)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 84,57 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 1 (бир)та бўлиб, ички ўлчами 40,60 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 125,17 квадрат метр, қурилиш ости майдони 200,96 квадрат метр, умумий ер майдони 1199,92 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан мархум Панаев Аллашкурга мулк ҳукуки асосида унга эгалик ҳукуки белгилаб берилсин.

2. Мархум Панаев Аллашкурнинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳукуки тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Марҳум Панаев Аллашкурнинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев